

ФРАЗЕОЛОГИК ЛУҒАТЛАРГА ТАРТИБ БЕРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Азамов Омаджон Бурхонович

ффд(PhD), доцент

Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

Андижон давлат чет тиллари институти

Email: azamovomadjon@gmail.com

Аннотация: мазкур мақолада фразеологик луғатлар тузиш тамойиллари ва немисча- ўзбекча фразеологик ўқув луғатига тартиб беришда фразеологик тамойиллар борасида фикрлар берилган

Калит сўзлар: фразеография, фразеографик тамойиллар, фразема, инфинитив, полисемантик, омонимик

Abstract: in this article are given ideas about the principles of creating phraseological dictionaries and phraseological principles in the arrangement of the German-Uzbek phraseological educational dictionary

Key words: phraseography, phraseographic principles, phrase, infinitive, polysemantic, homonymic

Кейинги йилларда чет тилларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш билан бирга хорижда нашр этилган илмий адабиётларни таржима қилиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Бу жараёнларни сон ва сифат нуқтаи назардан жадаллаштириш икки ва кўп тилли луғатларга тартиб беришни тақозо этади. Лексик луғатлар билан бир қаторда турли герман ва туркий тиллар асосида яратилган фразеологик ўқув луғалари ҳам тилларнинг ўзига хос ноёб лексик ва фразеологик бирликларини ўгиришда таржимонга катта дастак бериши шубҳадан холидир. Бу турдаги луғатларга тартиб беришда фразеографик тамойилларга кўра ўзига хос талаблардан бири бўлган луғат бош фраземаси шакилланиши жиддий эътибор талаб этади. Луғат “бош фраземаси” ни шакиллантириш, унинг тузилишини аниқлаш лексик луғатлар “бош сўзи” ни шакиллантиришдан бир мунча фарқ қилади. Бу фарқ бевосита фраземанинг структураси билан боғлиқ. Бош фразема тугалланган, автоном маънога эга бўлиши билан бирга турғун сўз тартиби, турғун компонентлар таркибига ҳам эга бўлиши керак. Фразема маъносига путур етказувчи қўшимча элементлар бўлиши инкор этилади[1,76]. Масалан, жаҳон лексикографияси ва фразеографияси амалиётига кўра фраземалар бош келиши шаклида берилади:

- “ein frecher Dachs”
- „ein alter Hase“
- „ein junger Hecht“
- „hol’s der Kuckuck!“

Феъл фраземаларнинг шакли, уларнинг турли замонларда ишлатилишидан қатъий назар улар инфинитив кўринишида берилиши керак. Бундай кўринишдаги фраземалар ҳозирги, ўтган ва келаси замон шакилларида ҳам қўлланилиши мумкинлигин билдиради. Баъзи бир иборалар фақат бир замонда ишлатилса, уларга алоҳида белги қўйилади. Масалан:

- “Eulen nach Athen tragen”
- „mit den Hühnern schlafen“
- „mit den Hühnern aufwachen“
- „die Katze im Sack kaufen“

Немис тили фраземалари захирасида кўплаб иборалар борки улар бир хил, турғун холда нутқда қўлланиб келинади. Улар қандай бўлса шу холатида бош фразема кўринишида берилади. Масалан:

- “da beißt die Maus keinen Faden ab!“
- „da lachen ja die Hühner!“
- „du kriegst die Motten!“
- „Hunde, die bellen, beißen nicht“

Алоҳида таъкидлаш лозимки, фраземалар ҳам лексик бирликлар каби кўп маъноли-полисемантик хусусиятга эга бўлиши табиий. Албатта фраземаларнинг кўп маънолилиги лексик бирликларнигига нисбатан кўп эмас. Лекин икки, уч маъноли фраземалар ҳам йўқ эмас. Масалан: „Das sind kleine Fische (für mich)“ (с.с: булар (мен учун) кичик балиқлар, чавақлар) фраземаси уч маъноли бўлиб, шундан иккита маъно бир- бирига яқин бўлса, учинчиси эса омонимлашган маънодир:

1- Маъно: Das sind geringfügige Dinge, unbedeutende Hindernisse[2,1] – бу мен учун чўт эмас, майда- чуда нарсалар, арзимас (аҳамиятсиз) тўсиқлар. Жумлада келиши(диалог):

- Dieser Artikel ist allerdings nur in Amerika erschienen.

- Macht nichts, den werde ich schon bekommen, das sind kleine Fische für mich.

2- Маъно: Das sind nur kleine Nebengewinne- майда- чуда пул, чўтал.

Жумлада келиши: Mein Hauptverdienst ist der Holzverkauf. Das Obst, das meine Frau so nebenbei verkauft, das sind kleine Fische.

3- Маъно: Das sind ganz leichte, einfach zu erledigende Dinge- булар осон ишлар, оғизни ҳовури билан бўлади.

Жумлада келиши: Die Steuerbezahlung für Sie und Ihre Kollegen ist gar nicht schwierig. Das sind kleine Fische für Sie. Schwierig wird sie nur bei großen Industrieunternehmen.

Баъзи бир фраземалар омонимик маънолари, кўп маъноликдан аниқ ажралиб туради. Бундай ҳолатда фразема маънолари рим рақамлари орқали ажратиб кўрсатилади[3,3]. Масалан:

- “j-s(od. j-m) Affen Zucker geben” фраземаси икки омоним маънога эга:

I. j-s Schwächen schmeicheln – кимгадир тилғламачилик, лаганбардорлик, хушомаб қилмоқ

Жумлада келиши: Wenn du bei ihm was erreichen willst, dann brauchst du nur seinem Affen Zucker geben.

II. „ausgelassen, lustig sein“ – ўзига эрк бермоқ, ўта хурсандчилик қилмоқ

Жумлада келиши: Wir haben, weiß Gott, Grund zum Feiern und du sollst aus dem Keller eine gute Flasche bringen und dann wollen wir unserem Affen Zucker geben.

Ҳайвонларнинг таъна аъзолари номлари иштирок этган фраземалар орасида “das Maul” – тумшук сўзи билан бир қанча иборалар шакилланган. Уларнинг баъзилари кўп маъноли фраземалар ҳисобланади. Масалан:

- “das Maul aufreißen” (с.с: тумшугини йиртмоқ) фраземаси ҳам икки хил маънога эга:

I. Derb, zornig reden – жеркиб, кўпол гапирмоқ

Жумлада келиши: von dem habe ich noch nie ein normales oder freundliches Wort gehört. Er reißt immer das Maul.

II. Außerordentlich prahlen – оғзини кўпиртириб мақтанмоқ

Жумлада келиши: was hat er schon geleistet! Aber das Maul reißt er wie ein Scheunentor.

- „etwas geht auf keine Kuhhaut“

I. Etwas ist eine unglaublich große Menge – бир дунё, жуда кўп, дунёга сифмайди

Жумлада келиши: Was er für Fehler im Diktat gemacht hat, das geht auf keine Kuhhaut.

II. etw. ist eine unglaubliche Frechheit, Unverschämtheit - бу ўтакетган сурбетлик, уятсизлик

Жумлада келиши: Was er sich gestern mir gegenüber erlaub hat, das geht auf keine Kuhhaut.

Юқорида таъкиблаб ўтганимиздай, бу каби кўп маъноли ва омоним фраземалар бир бош фразема остида берилиб, араб ҳамда рим рақамлари орқали фарқланиб берилади. Таъкидланганидай, зоофразема ўқув луғатининг асосий вазифалари бир имкон доирасида бош фраземанинг барча парадигмаларига атрофлича характеристика беришдан иборат[5,11]. Маълумки, фраземалар ҳам лексемалар каби бир- бирлари билан синонимик ҳамда антонимик муносабатда бўлади. Ушбу семантик муносабатни бош фразема мақоласи доирасида кўрсатиб ўтиш ўқув луғатининг мақсад- вазифасидан келиб чиқади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.И. Умарходжаев. “ОЧЕРКИ ПО СОВРЕМЕННОЙ ФРАЗЕОГРАФИИ”. Изд-во “Фан” Т., 1972.
2. AO Burkhanovich COMMON ZOONYMS AND THEIR LEXICAL-SEMANTIC CHARACTERISTICS (EXAMPLE OF UZBEKI AND GERMAN LANGUAGES). International Multidisciplinary Journal for Research and Development, 2023/11/2.
3. IN Xudaberdiyevna. STRUCTURAL AND SEMANTIC FEATURES OF GERMAN YOUTH SLANG. Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research 10 (10), 285-288.
4. Mamatov, GM Bozorova RR. "IMPLEMENTATION OF THE EDUCATION SYSTEM OF EUROPEAN COUNTRIES." Innovations in Technology and Science Education 3.19 (2024): 135-139.
5. Muxtarovna, Q. N. (2022). COMPLIMENT WORDS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES: MEANS OF EXPRESSION AND FUNCTIONAL TYPES. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 2(1.6 Philological sciences).
6. Ismanova, O. (2023). NEMIS VA OZBEK TILLAR KESIMIDA TARJIMONNING TARJIMADA LEKSIK SINONIMLARDAN TANLAB FOYDALANISH USLUBLARI. Центральноазиатский журнал образования и инноваций, 2(11 Part 2), 157-160.
7. Bozorova, G. M., Mamatov, R. R., Adaxamjonov, A. A., & Jaloldinov, M. S. (2024). THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN THE FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS. Science and innovation, 3(Special Issue 19), 352-354.
8. MO Urunbayevna, FRAZEOLOGIK TUSHUNCHALAR VA ULARNING TILIMIZDA QO'LLANISHI. Journal of new century innovations, 50(2). 19-21 2024.
9. Jurayev Azuzbek Anvarovich. A BRIEF HISTORY OF GERMAN LITERATURE// INNOVATION IN TECHNOLOGY AND SCIENCE EDUCATION, VOLUME 2 ISSUE 16,ISSN 2171-381X, SJIF 2023.5.305.